O‘ZBEKISTON
# BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№42 (795) 2024 йил 24 май, жума
uzbunyodkor · t.me/uzbunyodkor · uzbunyodkor · info@uzbunyodkor.uz · uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## СПОРТ СОҲАСИДАГИ РЕЖАЛАР БЎЙИЧА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёевга спорт таълимини ривожлантириш ва халқаро мусобақаларни ўтказиш режалари бўйича ахборот берилди.**

Мамлакатимизда спорт инфратузилмаси ривожлантирилиб, халқаро талаблар даражасидаги шарт-шароитлар яратилмоқда. Шунга асосланиб, FIFA қарори билан футзал бўйича бу йилги жаҳон чемпионати юртимизда ўтказилиши белгиланган. Мусобақа 14 сентябрь – 6 октябрь кунлари Тошкент, Андижон ва Бухоро шаҳарларида ташкил этилади. Унда дунёнинг энг кучли 24 жамоаси қатнашади. Иштирокчи мамлакатлардан нуфузли меҳмонлар, 30 мингдан зиёд мухлислар келиши кутилмоқда.

Мутасаддилар бу борада кўрилаётган тайёргарлик ишлари, спорт ва маданий тадбирлар режалари юзасидан ахборот берди. Чемпионатни юқори савияда ўтказиш учун Бош вазир раҳбарлигида ташкилий қўмита тузилиши белгиланди.

Маълумки, пойтахтимизнинг Яшнобод туманида Олимпия шаҳарчаси барпо этилмоқда. Келгуси йил у ерда ёшлар ўртасида ёзги Осиё ўйинлари ўтказилади.

Кейинчалик ундан самарали фойдаланиш мақсадида Олимпия шаҳарчасида Ўзбекистон давлат спорт академияси ташкил қилиниши кўзда тутилган. Ушбу муассаса ҳузурига Жисмоний тарбия ва спорт илмий-тадқиқот институти ҳамда Мутахассислар малакасини ошириш институти ҳам ўтказилади. Академия тизимида Спорт тиббиёти илмий-амалий маркази, Ахборот кутубхона маркази, Ўзбекистон тарихи ва хорижий тилларни ўқитиш маркази очилади.

2025/2026 ўқув йилидан бошлаб, академияга 3 та бакалавр йўналиши ва 6 та магистратура мутахассислиги бўйича қабул бошланади. Битирувчи талабаларга 6 йиллик тренерлик малака сертификати берилади. Олимпия ва паралимпия коллежларидан селекция қилинган битирувчилар тўғридан-тўғри иккинчи курсга қабул қилинади.

Шундан келиб чиқиб, мутасаддиларга кафедралар ва ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида ташкил этиш, юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Спорт таълимидаги яна бир янгилик Кураш маҳорат мактаблари бўлади.

Кураш минг йиллик қадриятимиз ва миллий спортимиз. Дунёда у билан 30 миллион, Ўзбекистонда 30 минг киши профессионал шуғулланмоқда. Ҳаваскор ёшлар бундан ҳам кўп.

Шунинг учун ҳар бир вилоят марказида Кураш маҳорат мактаблари ташкил этилиши режалаштирилган. Маҳорат мактабида 140 нафар ўқувчи бўлади, улар 5-11-синф болалари орасидан танлаб олинади.

Тақдимотда Париж олимпиадасига кўрилаётган тайёргарлик бўйича ҳам ҳисобот берилди.

Терма жамоаларимиз ушбу нуфузли мусобақага юқори даражада ҳозирлик кўрмоқда, чет элларда мақсадли ўқув-машғулотлари ўтказилмоқда. Спортчиларимиз футбол, сувга сакраш, камондан ўқ отиш, аёллар ўртасида эркин кураш бўйича илк бор олимпиадага йўлланма олгани аҳамиятли. Олдинда яна йўлланмаларни қўлга киритиш, Олимпия ўйинларида муносиб қатнашиш мақсад қилинган.

**ЎзА.**

## ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИДАГИ НАТИЖАЛАР ВА ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 23 май куни фармацевтика тармоғида эришилаётган натижалар ва истиқболли режаларга оид тақдимот билан танишди.**

Иқтисодиёт ва аҳоли саломатлигида муҳим ўрин тутадиган бу соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, зарур ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратиб берилмоқда. Биргина жорий йил бошида шу борада иккита ҳужжат қабул қилинди. Хусусан, 10 январдаги Президент қарорига мувофиқ, 2024-2025 йилларда фармацевтика тармоғини ривожлантириш ва инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди. 23 январда қабул қилинган фармонда фармацевтика соҳасини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Соҳадаги янги лойиҳалар учун 100 миллион доллар арзон ресурс ажратилди. Бундан ташқари, “Асака банк” томонидан 200 миллион доллар жалб қилинди.

Бу имкониятлар натижасида ўтган 4 ойда 30,5 миллион долларлик иккита лойиҳа ишга туширилиб, 160 та иш ўрни яратилган. 1,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 51 миллион долларлик экспорт қилинган.

Лекин, бу натижалар ҳали етарли эмас. Имкониятлар ҳам, режалар ҳам улкан.

Хусусан, бу йил 400 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш, экспортни 200 миллион долларга етказиш режалаштирилган. 2 миллиард долларлик 147 та лойиҳа бошланиб, шундан 28 таси жорий йилда ишга туширилиши белгиланган. 450 турдаги янги маҳсулотни маҳаллийлаштириш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари бу имкониятлардан фойдаланиб, маҳаллий маҳсулотлар билан ички бозор талабини қондириш даражасини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Ишлаб чиқаришни халқаро стандартларга ўтказиш, нарх ва сифат мутаносиблигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда соҳада рақамлаштиришни бу йил 65 фоизга етказиш, кейинги йил эса тўлиқ якунлаш вазифаси қўйилди. Бу орқали нархни камида 20 фоизга арзонлаштириш мумкинлиги қайд этилди. Соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

“Tashkent Pharma Park” инновацион фармацевтика кластери фаолиятини жадаллаштириб, 470 миллион долларлик 12 та лойиҳани ишга тушириш чоралари кўриб чиқилди.

Фармацевтика соҳасига инвесторларни жалб қилиб, янги лойиҳаларни кўпайтириш бўйича ҳам ахборот берилди.

**ЎзА.**

**ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА**

## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ДОИРАСИДАГИ УЧРАШУВЛАР




**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида вазир ўринбосари Давронжон Адилов бошчилигидаги масъуллар Россиядаги энг йирик газни қайта ишлаш ва нефть-кимё компанияси “SIBUR”нинг МДҲ мамлакатларидаги савдо бўлими бошлиғи Игорь Шуров билан учрашди.**

Томонлар соҳадаги ислоҳотлар ҳақида фикр алмашгач, ўз таклифларини тақдимотлар орқали намойиш этишди.

“SIBUR” компаниясининг асосий маҳсулотлари полимерлар, яъни, полипропилен ва полиэтиленлардир. Шунингдек, унда ПВХ, полиуретан, поликарбонатлар, полиэтилентерефталат, синтетик каучуклар ва бошқалар ишлаб чиқарилади. Компания 1995 йилда ташкил этилган бўлиб, фаолият йўналиши ёқилғи ва хомашё сегменти ҳисобланади.

**Шунингдек, Давронжон Адилов ҳамда Швейцария Иқтисодий ишлар бўйича давлат котибияти (СЕСО) операциялар бўлими раҳбари Мартин Саладиннинг учрашувида ҳам ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга эътибор қаратилди.**



Учрашувда Швейцария ҳукумати ва молия ташкилотлари билан келгусида республикамизда қурилиш ва шаҳарсозлик, ичимлик ва оқова сув тизимларини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари тўғрисида фикр алмашилди.

Ўз ўрнида меҳмонлар томонидан ҳамкорликда олиб борилаётган лойиҳалар юзасидан маълумот берилиб, соҳада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар юқори баҳоланди.

## Германия университети вакиллари иштирокида семинар

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти ҳамда Германиянинг Анҳалт университети ҳамкорлигида семинар бўлиб ўтди.**



Жорий йилнинг 1-2 май кунлари ўтказилган Тошкент халқаро инвестиция форумида “Яшил энергетика” соҳасида инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича кўплаб ташаббуслар ва амалий таклифлар билдирилган эди. Бу борада Германиянинг Анҳалт университети профессор экспертлари жорий йилнинг 21-25 май кунлари Тошкент шаҳри ва Жиззах вилоятларида “Қайта тикланувчи энергия манбалари, сенсор – саноат интернети, қурилмалар” мавзусида ўзбек ҳамда немис олий таълим муассасалари, компания вакиллари иштирокида минтақалараро инновация форумини ўтказиши режалаштирилган.

Мазкур семинар айни мақсадларнинг мантиқий давоми бўлди. Унда сўзга чиққан Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти масъуллари форумни ташкил этишда кўрсатган кўмаги учун Анҳалт университети ва бошқа халқаро ҳамда маҳаллий ҳамкорларга миннатдорлик билдиришди.

## Вазирлик мутасаддилари Францияда

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги вакиллари хизмат сафари билан Франция Республикасида бўлиб туришибди.**

Ташриф чоғида делегация аъзолари Франция энергияни тартибга солиш ташкилоти (CRE)га ташриф буюришди. Учрашувда ташкилотнинг истиқболлар ва инновациялар бўйича директори Дидийер Лафаилле томонидан энергия таъминоти тизимларини ва тарифларни тартибга солиш, биноларда энергияни бошқариш, яшил энергияга ўтиш, йўналишнинг истиқболли таҳлили ва соҳадаги инновациялар, шунингдек, биноларда энергия самарадорликка эришиш бўйича атрофлича маълумот берилди.

Хизмат сафари доирасида делегация аъзолари, шунингдек, Франциянинг Экологик ўтиш ва ҳудудий уйғунлик вазирлигида ҳам бўлишди. Вазирликнинг асосий вазифаларидан бири – шаҳарсозлик, қурилиш, ландшафтлар, биологик хилма-хиллик, сув ва ноэнергетик фойдали қазилмалар бўйича сиёсатни ишлаб чиқиш, бошқариш ва баҳолашдан иборат. Ташкилотнинг иқлим ва энергия бўйича масъули Регис Меер томонидан Францияда уй-жой фонди ҳақида атрофлича маълумот берилиб, ушбу секторда энергия самарадорликни ошириш юзасидан олиб борилаётган сиёсат ва ҳукумат томонидан қабул қилинаётган қарорлар таништирилди.

## Иссиқлик таъминоти тизими янги босқичда

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида Нукус, Фарғона ва Қувасой шаҳарларининг иссиқлик таъминоти тизимларига ресурс тежовчи замонавий технологияларни қўллаш ва босқичма-босқич ёпиқ тизимга ўтказиш мақсадида амалга оширилаётган лойиҳаларни муҳокама қилиш мақсадида учрашув бўлиб ўтди.**

Мазкур учрашувда вазирликнинг соҳага дахлдор масъуллари, Энергетика вазирлиги мутасаддилари, “Synergy Consulting” ҳамда “Saudi Tabreed” компаниялари вакиллари иштирок этишди. Унда Нукус, Фарғона ва Қувасой шаҳарлари иссиқлик таъминоти тизимини когенерация технологияларини жалб қилган ҳолда давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш имкониятлари кўриб чиқилди. Шунингдек, компания вакилларининг ҳududдаги объектларга ташрифи натижалари бўйича йиғма ҳисоботи тингланди ҳамда бир қатор масалалар таҳлил қилинди.

## Муносиблар сараланди

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида Марказий аппаратдаги Жамоатчилик билан алоқалар (ахборот хизматлари) бош мутахассиси, Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси ҳамда Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари – бош архитектор лавозимига номзодлар суҳбатдан ўтказилди.**



Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда соҳадаги шаффофликни ошириш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш, ходимларни ишга қабул қилишда таниш-билишчиликка йўл қўймаслик ҳамда соғлом рақобат муҳитини яратиш учун вазирликда тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Таъкидлаш лозимки, соҳада фаолият олиб бориш истагида бўлганлар кун сайин ортиб бормоқда. Ушбу номзодлар ҳам тест синовини муваффақиятли топширгач, соҳа мутасаддилари уларни суҳбатдан ўтказишди ва шу тариқа муносиблар аниқланди.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№42 (795) 2024 йил 24 май

# Бу йил юртимизда қанча цемент ишлаб чиқарилади?

**Райҳона ХЎЖАЕВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ёз фасли бошқа кўплаб соҳалар қатори қурилиш-бунёдкорлик йўналишида ҳам янги мавсумни очиб беради. Қурилиш жараёнлари кунлар исиши билан янада қизғин тусга киради. Чунки бу пайтда қурилиш ташкилотлари билан бир қаторда таътил бошланган таълим муассасаларида ва юртдошларимиз хонадонларида ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари авжига чиқади. Табиийки, бу жараёнда қурилиш маҳсулоти – цемент энг кўп ишлатилади.**



Дарҳақиқат, 2024 йил якунига қадар йилига 8 млн тонна йирик цемент ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилади ва республика бўйича жами қувватлар қарийб 40,8 млн тоннага етказилиши режалаштириляпти. Айни пайтда мамлакатимизда цемент ишлаб чиқаришга ихтисослашган 38 та корхона мавжуд бўлиб, уларнинг йиллик қуввати 35,3 млн тоннани ташкил қилади.

Таҳлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, жорий йилнинг январь-апрель ойларида республика бўйича жами 4,8 млн тонна цемент ишлаб чиқарилган. Бу ўтган йилга нисбатан ўсиш 119,3 фоизни ташкил қилади дегани. Энг кўп цемент мамлакатимиздаги йирик корхоналардан бири “Қизилқумцемент” АЖ томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб, январь-апрель ойларида 738 минг тонна маҳсулот харидорларга етказилган. Ундан кейинги ўринларда “China Energy International Group Samarkand Cement” МЧЖ ХК, “Хуаксин Цемент Джизак” МЧЖлари ўрин олган. Улар томонидан жами 1 млн 166 минг тонна цемент ишлаб чиқарилган.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2024 йилда мавжуд корхоналар томонидан 16,7 млн тонна цемент ишлаб чиқариш режалаштирилган. Жорий йилнинг ўтган даврида биржа савдоларида сотилган 1 млн 756 минг тонна цемент истеъмолчиларга етказиб берилган. Эътиборлиси, маҳаллий корхоналар томонидан асосан 400 ва 500 маркали цемент ишлаб чиқарилган. Жорий йилнинг ушбу даврида биржа савдоларида бир тонна цемент ўртача 510 минг сўмдан (2023 йилнинг ушбу даврида 598 минг сўм) сотилган.

Шунингдек, мамлакатимизда қурилиш кўлами кенгайиб бораётгани туфайли йилдан-йилга қуйма ва темир-бетон маҳсулотларга бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. Маълумотларга кўра, мамлакатимизда жами 700 дан ортиқ темир-бетон маҳсулоти ишлаб чиқарувчи корхона мавжуд бўлиб, уларнинг йиллик қуввати 6,5 млн куб метрни ташкил этади. Ушбу йўналишдаги энг йириклари Тошкент шаҳри ҳамда Навоий, Самарқанд, Тошкент, Жиззах, Сирдарё вилоятларида жойлашган.

Мазкур йўналишда республикамизда энг йирик ишлаб чиқариш қувватига эга корхона бу “BINOKOR TEMIR-BETON SERVIS” МЧЖдир. Ушбу корхонада йилига 500 минг куб метр қуйма бетон ва 120 минг куб метр темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватлари мавжуд. Кейинги ўринда пойтахтимиздаги “DURABLE BETON” МЧЖ ҳам ушбу йўналишда энг илғорлардан бири саналади. Мазкур корхона томонидан ҳар йили 450 минг куб метр қуйма бетонлар қурилиш майдонларига етказиб берилади. Тошкент вилоятидаги “MOBILE BETON SERVICE” МЧЖ йилига 365 минг куб метр қуйма бетон тайёрлаш имкониятига эга. Шунингдек, “SAFFIR QURILISH MONTAJ” МЧЖ, “BETONOVAT” МЧЖ, “RWS OPTIMUM” МЧЖ ХК, “CHILONZOR BETON SAVDO” МЧЖ каби замонавий темир-бетон корхоналари ҳам мавжуд.

2024 йилнинг 17 январь куни “Сув ҳавзаларида норуда материалларни қазиб олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-14-сонли Президент фармони қабул қилинди. Фармонга кўра, 2024 йилнинг 1 май кунидан эътиборан, Чирчиқ, Сангзор, Зарафшон, Норин, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари ўзанларидаги норуда материалларни қазиб олишга муддатсиз мораторий жорий этилди. Мораторий эълон қилингандан сўнг, асоси чақиқ тошлар бўлган қуйма ва темир-бетонлар нархида бироз ўсиш кузатилди. Хусусан, йил бошида М-200 маркали 1 куб қуйма бетон 440 минг сўмдан сотилган бўлса, ҳозирда унинг нархи 459 минг сўмни ташкил этмоқда. Айни пайтда 1 куб темир-бетон эса ўртача 1 млн 800 минг сўмдан сотилмоқда.

## ХОРАЗМДАН ДАРАКЛАР

# Ёнғин қутқарув биноси замонавий қиёфада

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Қўшкўпир туманидаги Ўртаёп қишлоғи туман марказидан 25-30 километр узоқликда жойлашган. Қишлоқдаги Фавқулодда вазиятлар бўлимининг Ёнғин қутқарув биноси 2008 йилда қурилган бўлиб, бугунги талабларга жавоб беролмас эди.**

Яқинда ана шу бино янги қиёфа касб этиб, қайта реконстурукция қилинди. У ерда шахсий таркиб учун барча шарт-шароитлар яратилди. Хоналар замонавий қилиб жиҳозланди. Ушбу ёнғин қутқарув қисми тумандаги 11 маҳаллани қамраб олган бўлиб, унда 17 нафар шахсий таркиб хизмат қилади.

# Кўприк фойдаланишга топширилди

**Йўллар, кўприклар азалдан турли манзилларни туташтириб, одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиб келган. Шу боис, кўприк қуриш, йўлларни таъмирлаш энг олижаноб ва савобли ишлардан бири ҳисобланади.**

Ҳазорасп туманида ҳам бу борада бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Йўлларни асфальт қилиш ва бетонлаштириш билан бирга, кўприклар ҳам қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилмоқда. Жумладан, туман йўллардан фойдаланиш корхонаси давлат муассасаси жонкуяр ходимлари томонидан Саноат маҳалласида жойлашган 4R156 Урганч – Хонқа – Ҳазорасп – Тошсоқа орқали – Амударё – А380 автомобиль йўлининг 54-километридаги авария ҳолатига келиб қолган Хоссиёп канали кўпригида таъмирлаш ишлари олиб борилди. Айни пайтда кўприк аҳолига хизмат кўрсатишда давом этмоқда.

# ЖИЗЗАХДА ТАЛАБАЛАР III ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ

**Жиззах шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Жиззах политехника институти, Белоруссия миллий техника университети, Тожикистон давлат техника университети, Қирғизистон давлат техника университети, М. Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон университетлари ҳамкорлигида “Янги Ўзбекистон: илм қалдирғочлари – 2024” талабалар III халқаро анжумани бўлиб ўтди.**



“Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси доирасида архитектура, қурилиш ва қурилиш материаллари соҳаси учун кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари талаба-ёшлари иштирок этган анжуман “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, “Кнауф Гипс Бухара” ХК МЧЖ, “Ўзсаноатқурилиш” АТБ, “Базальт Ўзбекистон” саноат кластерлари ҳомийлигида ташкил этилди. Унда ёш олимлар, мутахассислар, мустақил изланувчилар, таянч докторантлар билан бир қаторда, республикамиздаги 12 та ва хориждаги 5 та ОТМларидан 120 дан ортиқ бакалавр ҳамда магистрант талабалар қатнашди.

– Ушбу халқаро анжуман Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 20 мартдаги 76-сонли фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2024 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник тадбирлар режаси”да белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида институтимизнинг Қурилиш материаллари ва конструкциялари кафедраси томонидан ташкил этилди, – деди Жиззах политехника институти халқаро ҳамкорлик бўйича проректор Жамшид Абдуназаров. – Анжуман олдидан “Кнауф Гипс Бухара” ХК МЧЖ томонидан ушбу кафедрага 51,0 млн сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатилиб, “КНАУФ” ўқув хонаси тўлиқ жиҳозлаб берилди. Тадбирни ташкил қилишдан мақсад – архитектура ва қурилиш соҳасидаги мавжуд муаммолар, уларнинг ечимлари, мазкур йўналишдаги халқаро тажрибани ўрганиш, ҳамкорлик алоқаларни ўрнатиш, иқтидорли ёшларнинг инновацион ғоялари ва ишланмаларини оммалаштиришдан иборат. Қолаверса, бу жараёнда жаҳон талабларига мос инновацион методлар ва технологияларни соҳага қўллаш орқали илмий тадқиқотларни ўтказиш, шу соҳада таҳсил олаётган иқтидорли йигит-қизларни халқаро интеграцион жараёнлардаги иштирокини фаоллаштириш орқали корпоратив инновацион ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уларнинг инновацион ғоялари ва ишланмаларини таҳлил қилиш, баҳолаш ва рағбатлантириш ҳам кўзда тутилган.



Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда архитектура-қурилиш соҳаси жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Юртимиздаги 20 га яқин олий таълим муассасасида шу соҳа бўйича кадрлар тайёрланаётгани ҳам бу борада олиб борилаётган ишлар кўлами кенглигидан далолат беради. Илмий-техник анжуман иши 5 та шўъба бўйича ташкил этилди. Шўъбаларда “Архитектура ва қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш, архитектура ва қурилиш соҳаси фанларини ўқитишда янги методлар, меҳнат муҳофазаси ва иқтисодий муаммолар, АКТдан фойдаланиш”, “Замонавий энергия самарадор биноларни лойиҳалашда архитектуравий ечимлар, энергетик ва экологик муаммолар, техник меъёрлаш ва стандартлаштириш, муҳандислик коммуникация тизимларида янги лойиҳалар”, “Маҳаллий хомашёлар, саноат чиқиндилари ҳамда минерал ва кимёвий қўшимчалар асосидаги энергия самарадор қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш ва уларнинг технологиялари”, “Бино ва иншоотлар ҳамда сунъий йўл муҳандислиги объектлари қурилишида энг яхши конструкциявий ечимлар, лойиҳа ва технологиялар”, “Кнауф Гипс Бухара” ХК МЧЖ ва “Базальт Ўзбекистон” саноат кластери маҳсулотларидан фойдаланиб тайёрланадиган замонавий қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари” каби мавзулар атрофлича муҳокама қилинди.

Шунингдек, анжуман доирасида талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари бўйича танлов ҳам ташкил этилди. Унда 8 та номинация бўйича иқтидорли талабаларнинг ишлари кўриб чиқилди. Хусусан, “Маҳаллий хомашёлар асосида яратилган энг яхши қурилиш материаллари ва конструкциялари”, “Саноат чиқиндилари асосида яратилган энг яхши қурилиш материаллари ва конструкциялари”, “Минерал ва кимёвий қўшимчалардан фойдаланиб яратилган янги авлод бетонлари, қурилиш материаллари ва конструкциялари”, “Қурилиш материаллари ва конструкциялари ишлаб чиқариш учун энг яхши кичик инновацион технологиялар ва лойиҳалар”, “Бино ва иншоотлар қурилишида энг яхши конструкциявий ишланмалар, лойиҳа ва технологиялар”, “Замонавий қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари асосида лойиҳаланган энг яхши энергия самарадор бино” каби мавзуларда бажарилган “Энг яхши битирув малакавий иши (диплом лойиҳаси)” ҳамда “Энг яхши магистрлик диссертацияси” ғолиблари аниқланди.

**Ўз мухбиримиз.**

# “ЯНГИ ТОШКЕНТ”НИНГ ЯНГИ ЙЎЛИ





**Муҳиддин ЗАЙРИДДИНОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Бугунги кунда дунёда юздан ошиқ турдаги автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда. Улардан фойдаланувчилар сони эса неча миллиардни ташкил этади. Одамлар ҳам автоуловларсиз ҳаётини тасаввур қилолмайдиган даражага етишди. Чунки машиналар инсониятга энг яқин кўмакчига айланиб улгурди. Бу борада машинасозлар ўз ишларини аъло даражада уддаламоқда.**

Аммо машиналар учун мўлжалланган қатнов йўллари қай даражада талабга жавоб беради?

Юртимизда ҳам машиналар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Уларнинг кўплиги қатнов йўлларида, айниқса, йирик чорраҳаларда тирбандликларни юзага келишига сабаб бўлади. Шу сабабли, бундай чорраҳаларда нафақат ҳайдовчилар, балки пиёдалар учун мўлжалланган йўлакнинг ҳам аҳамияти катта. Афсуски, кўп жойларда пиёдалар ўтиш жойи ноқулай ва хавфли бўлиб қолмоқда. Демак, замонавий ҳаёт – йўл соҳасида ҳам замонавий имкониятларни тақозо этмоқда.

Шу каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш дирекцияси” давлат муассасаси ва Туркиянинг “ARCCON Architect Engineering Planners Advisors” МЧЖ ҳамкорлигида Янги Ўзбекистон кўчаси ҳамда 4Р12 автомагистраль йўллар кесишувидаги йўл ўтказгичи қурилиши лойиҳаси амалга ошириляпти. Лойиҳа икки босқичга мўлжалланган бўлиб, ҳозирда биринчи босқичдаги иш қизғин давом этмоқда. Қурилиш ишлари 2024 йилнинг январь ойида бошланган. Янги йўл шу йилнинг июнь ойида битказилиши режалаштирилган. Йўл лойиҳаси Туркия архитектураси асосида яратилган бўлиб, “Top-down” услубида амалга оширилмоқда. Барча қурилиш ишлари Туркия мутахассислари томонидан олиб бориляпти.

Лойиҳанинг асосий мақсади, Янги Тошкент, Паркент, Бўстонлиқ ва Бордонкўл йўллари туташувчи чорраҳадаги тирбандликни йўқотиш ҳамда ҳайдовчи ва пиёдаларга қулайлик яратишдир. Бу турдаги йўл ҳозирча Ўзбекистондаги энг биринчиси ҳисобланади. Лойиҳа менежери Онур Кизилкая билан суҳбатлашганимизда, шундай маълумотларни берди:

– Бу бизнинг Ўзбекистонда қураётган биринчи замонавий йўл лойиҳамиз ҳисобланади. Ҳозирда 1-босқич қурилиш ишлари олиб боріляпти, уни “Янги йўл” деб номладик. Бу босқичда 3 та туннель бўлади. Биринчиси – Янги Ўзбекистон йўлидан биз қураётган Янги йўл трассасига олиб чиқади. Иккинчи туннель – шу трассадан Бўстонлиқ йўлига ўтувчи ерости йўли бўлади. Учинчиси эса – Паркент йўлидан асосий чорраҳага олиб чиқади. Ҳар бир туннель бир тарафлама йўналишли бўлади. Бу йўлларда светофорлар бўлмайди, чунки тирбандлик юзага келмайди. “Top-down” деганда аслида мана шундай йўл тури назарда тутилади. Янги йўлда иккита ерости пиёдалар йўли ҳам мавжуд. Бу пиёдалар учун қатнов қулайлиги ва тирбандлик юзага келмаслигига замин яратади. Лойиҳада аҳоли уйлари ҳам бор эди. Биз имкон қадар уларга ҳалал бермайдиган даражада лойиҳа йўналишини бироз ўзгартирдик. Чунки аҳоли розилиги ва уларнинг осойишталиги биз учун муҳим.

Онур Кизилкаянинг маълумотларидан кейин бизда ҳам бу йўллардан юриб кўриш истаги пайдо бўлди. Чиндан ҳам, яқин йилларгача Ўзбекистонда бундай мураккаб, аммо қатнов учун жуда қулай бўлган йўл тизими мавжуд эмас эди. Бу йўл келажакда бундай лойиҳалар сони кўпайишига пойдевор бўлиб хизмат қилса, ажаб эмас. Айни пайтда деярли бир ойдан сўнг фойдаланишга топшириладиган 1-босқич ишлари жадаллик билан амалга оширилмоқда. 350 минг квадрат метр майдонни эгаллаган бу катта магистраль йўлда 24 соат давомида қурилиш ишлари давом этяпти. Бу ишларга 1500 нафар йўл қурувчи ишчи жалб қилинган. Шулардан, 25 нафари йўл соҳаси бўйича мутахассис ҳисобланади.

Умуман олганда, автомобиль йўллари ўз-ўзидан қурилиб қолмайди. Уларнинг лойиҳасида қандай деталларга эътибор бериш керак?

– Энг аввало, йўллар лойиҳасини яратаётганда улардан бир кунда ўртача қанча автомобиль ўтишини ҳисобга олиш керак, – деди лойиҳа бош инженери Таҳир Темур Гўктуг. – Бунинг учун йўл бошига махсус камералар ўрнатамиз ва бир кунда қанча автомобиль ўтишини билиб оламиз. Йўллардаги қатнов қисмлари шунга асосан қўшилади. Ҳозирда бу йўлларда 6 та қатнов қисми мавжуд. Биз машиналар қатновини ўрганиб чиқиб, янги лойиҳамизда уларнинг сонини 12 тага оширдик. Қурилиш жараёнида ишлатилаётган барча маҳсулотлар йўл қурилиши стандартларига тўлиқ мос келади. Ушбу қурилишда кўпроқ қозиқлар асосий омил ҳисобланади. Улар асфальтда вақт ўтиб чуқурлар ҳосил бўлмаслигига олиб келади. Қозиқлар бир-бирига жуда яқин ўрнатилади. Унинг ўрни аввал чуқур кавланиб, ичига арматура ва монолит бетон қуйилади. Ернинг геологик ҳолатига кўра, қозиқлар ҳар хил чуқурликда бўлади. Лойиҳамизнинг давомийлик муддати камида 50 йилни ўз ичига олади. Бу вақт мобайнида Ўзбекистон янада ривожланади ва автомобиллар сони йилдан-йилга ортаверади.

Ушбу йўл фойдаланишга топширилганидан сўнг, унинг қай даражада фойдали эканини билиб олиш мумкин. Чунки “Янги Тошкент” лойиҳаси доирасида бу йўлларда ҳозиргиданда кўпроқ қатновлар юзага келади. Бу мақсадли ишлар юртимиз ривожига улкан ҳисса қўшишига ва бардавом бўлишига умид қилиб қоламиз.

# ИНВЕСТОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

## Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

Туризм йўналишига қўшимча инвестицияларни жалб қилиш, хусусий сектор учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида **“ZOMIN MIRACLE MOUNTAINS” масъулияти чекланган жамияти** инвестиция компанияси маҳаллий ҳамда чет эллик инвесторлар билан ҳамкорликда **Жиззах вилоятининг Зомин туманида жойлашган “Зомин” туристик-рекреацион зонасида замонавий ресторан ва ётоқхона ҳамда кейтиринг усулида хизмат кўрсатувчи ошхона барпо этиш**

**ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

**ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИШ МУМКИН:**
Тошкент шаҳри, 100128, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 10-“А” уй.

**Тел.: 71-244-51-05, 244-55-15, +998997242410.**
**Электрон почталар: psb_capital@mail.ru, alimovgafur483@gmail.com**


# “Жейнов пахта тозалаш” АЖ

## АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Жейнов пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларининг 2023 йил якунлари бўйича йиллик умумий йиғилиши 2024 йил 12 июнь куни ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 11.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Жейнов шаҳарчасида жойлашган “Жейнов пахта тозалаш” акциядорлик жамиятини маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 10.00 да бошланади.

**Жамиятнинг расмий веб-сайти:** www.jeynov@paxta.uz

### Кун тартибидаги масалалар:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2023 йил бўйича жамият ижроия органи раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. Жамият Кузатув кенгашининг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамият ташқи аудиторининг 2023 молия-хўжалик йил якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг ўтган йиллардан тақсимланмасдан қолган соф фойдасини тақсимлаш.
7. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
8. Жамиятнинг 2024 молия-хўжалик йили фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
9. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
10. Собиқ жамият ходими (оламдан ўтган) Бобомуродов Холиқбердининг оиласи (турмуш ўртоғи) Султонова Зулфия Ражабовнанинг мурожаати бўйича намунали уй-жойдан бўлган 44 984 000 сўм қарздорлиги масаласини кўриб чиқиш ва жамият харажатларига олиш.

**Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана** – умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2024 йил 17 май ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2024 йил 6 июнь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун – нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Жейнов пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.

**Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:** Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Жейнов шаҳарчаси.

**Тел.:** 97-633-07-70.
**Электрон почта:** jeynov179@mail.ru

**“Жейнов пахта тозалаш” АЖ**
**Ижроия органи.**

# “Шаҳрисабз пахта тозалаш”

## акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 110-уйда жойлашган “Шаҳрисабз пахта тозалаш” акциядорлик жамияти 2024 йил 10 май кунидаги жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Тугатилаётган “Шаҳрисабз пахта тозалаш” акциядорлик жамиятининг кредитор қарздорлик талаблари тугатиш тўғрисидаги эълон чиққан санадан эътиборан икки ой давомида асослантирувчи ҳужжат билан Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 110-уй манзилида қабул қилинади. Акс ҳолда кредитор қарздорликлари ҳисобга олинмайди.

**“Шаҳрисабз пахта тозалаш” акциядорлик жамияти**
**тугатиш комиссияси.**

**Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели 8 “А”-мавзе, 3-уй, 2-хонадон манзилида жойлашган “TAYYAB FINANCE MIKROMOLIYA TASHKILOTI” МЧЖ иштирокчиларининг 2024 йил 22 майдаги 14сонли умумий йиғилиши баёни қарорига кўра, Масъулияти чекланган жамият шаклидаги “TAYYAB FINANCE MIKROMOLIYA TASHKILOTI”нинг ташкилий ҳуқуқий шакли Акциядорлик жамияти “TAYYAB FINANCE MIKROMOLIYA TASHKILOTI” сифатида қайта ташкил этиш бўйича қарор қабул қилинганини маълум қиламиз.**

“TAYYAB FINANCE MIKROMOLIYA TASHKILOTI” МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини топшириш далолатномасига кўра, “TAYYAB FINANCE MIKROMOLIYA TASHKILOTI” акциядорлик жамиятига ўтади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, сиздан қонунчиликда белгиланган муддатларда мажбуриятларни бекор қилиш ёки муддатидан олдин бажариш ёхуд белгиланган муддатда зарарни қоплаш тўғрисидаги мурожаатингизни қуйидаги манзилга юборишингиз мумкинлигини маълум қиламиз.

**Кредиторлар талаблари ушбу хабар эълон қилинган кундан бошлаб 30 кун ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели 8 “А”- мавзе, 3-уй, 2-хонадон.

**Телефон:** 98-55-51-015.
**Электрон почта:** mansurbek84d@gmail.com
**СТИР:** 309 942 744.

# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## 2024 йил май ойининг 24 – 30 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Ичимлик ва оқова сув тизимларини эксплуатация қилиш ва ривожлантириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Фарҳод Норматов,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бошлиғи **Гулбаҳор Мирзаева,** Кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш ва коммунал хизматлар кўрсатилишини назорат қилишни мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси **Мансур Маматов,** “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Ички аудит бўйича бош мутахассиси **Фаррух Эркабаев,** кичик мутахассис **Валижон Норжигитов,**

“Ташгипрогор” АЖ бош архитектори **Тоҳир Садиков,** ҳамшира **Светлана Невидомская,**

“O‘zog‘irsanoatloyiha” АЖ АСС-2 муҳандиси **Назиржон Мардонов,** Лаборатория бўлими бошлиғи ўринбосари **Дилшод Ташпўлатов,** қоровул **Абдурашид Аҳмедов,**

“O‘zshaharsozlik LITI” бош лойиҳа институти ДМ Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 4-устахонаси архитектори **Жавоҳир Баҳодиров,** Самарқанд филиали директори **Достон Эсанов,**

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош режаларни амалга ошириш ва объектларни жойлаштириш бўйича архитектори **Элёр Қаландаров,**

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи инспектори **Шавкат Тўхтаев,** лаборант **Йигитали Тўймуродов,** бош мутахассис **Муҳаммад Мусо Исабаев,** Ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш ва сотишни мувофиқлаштириш ҳамда оқова сув хизматларидан фойдаланиш бўлими бошлиғи **Оқилжон Ҳамраев,**

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари **Лазиз Муқумов,** бош юрисконсульт **Отабек Эгамбердиев,**

Навоий вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази директори **Равшан Рустамов,**

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектори **Жавоҳир Исроилов,**

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси қоровули **Ҳамдамбек Аннақов,**

Қашқадарё вилояти “Иссиқлик манбаи” ДУК Режа-техник бўлими бошлиғи **Мавлон Ҳайдаров,**

Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги “Мирзачўл кўмаги-Н” МЧЖ БСК бош директори **Баҳром Ҳакимов,**

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги “Омад Пахтазор Коммунал” МЧЖ БСК бош директори **Фарҳод Умиров,** Нишон туманидаги “Nuriston Komfort Komunal Boshqaruv Kompaniya” МЧЖ БСК бош директори **Баҳриддин Аҳмедов,** Яккабоғ туманидаги “Яккабоғ бошқарув сервис” МЧЖ БСК бош директори **Зоҳид Дўсмуродов,**

Навоий вилояти Навоий шаҳридаги “Yangi Hayot-Boshqaruv Servis Kompaniya-2018” МЧЖ бош директори **Соҳибжон Аминжонов,** Зарафшон шаҳридаги “Zar-Namuna Boshqaruv Kompaniya” МЧЖ бош директори **Васлиддин Убайдуллаев,**

Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги “Рустам УЖКХ БСК” МЧЖ бош директори **Рустам Умаралиев,** “Мададкор Кластер Сервис” МЧЖ БСК бош директори **Набижон Раҳимов,** Қўқон шаҳридаги “Hon Dizayn Boshqaruv Tashkiloti” МЧЖ бош директори **Жамол Бўтаев,**

Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги “Макаддас маскан ПБК” МЧЖ бош директори **Бобур Атажанов,**

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги “Uchtepa Farovon” МЧЖ БСК раҳбари **Гульнара Алиева,** Шайхонтоҳур туманидаги “Demetra Capital Development Servis” МЧЖ БСК бош директори **Нилуфар Умарова,** Яккасарой туманидаги “AB Houses servis” МЧЖ бош директори **Шоҳруҳ Тўхтасимов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

# “Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

## бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Савдога “LOMBARD SVETLANA-KREDIT” МЧЖнинг 2024 йил 20 майдаги 37-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар Миробод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2024 йил 2 февраль ва 17 апрелдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар-2, 41-уй манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлар номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 4611 | Кольцо с бел. кам., о/в 5,48 гр., 585 пр. | 1 917 849,02 |
| 2. | 4875 | Серьги с бел. кам., о/в 2,40 гр., 585 пр. | 1 178 425,04 |
| 3. | 5256 | Цепь, о/в 11,99 гр., 585 пр.; серьги с бел. кам. о/в 5,14 гр., 585 пр. | 9 407 902,06 |
| 4. | 5294 | Кольцо с бел. кам., о/в 2,72 гр., 585 пр. | 1 270 035,02 |
| 5. | 5322 | Серьги бел. кам., о/в 4,02 гр., 585 пр.; серьги, о/в 1,56 гр., 585 пр.; кольцо бел. кам., о/в 2,27 гр., 585 пр. | 3 910 870,10 |
| 6. | 5539 | Кольцо с бел. и зел. кам., о/в 4,90 гр., 585 пр. | 2 481 934,02 |
| 7. | 5642 | Браслет, о/в 6,94 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о/в 5,31 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о/в 1,97 гр., 585 пр.; кольцо лом. о/в 1,67 гр., 585 пр. | 9 113 686,08 |
| 8. | 5705 | Кольцо обруч., о/в 2,15 гр., 585 пр. | 1 118 434,02 |
| 9. | 5714 | Серьги с бел. кам. погн., о/в 4,34 гр., 585 пр. | 1 918 886,34 |
| 10. | 5766 | Серьги с бел. кам., о/в 7,71 гр., 585 пр.; кольцо с бел. и зел. кам., о/в 2,67 гр., 585 пр. | 4 438 702,06 |
| 11. | 5787 | Кольцо погн., о/в 3,72 гр., 585 пр.; серьги, о/в 3,69 гр., 585 пр.; серьги, о/в 3,09 гр., 585 пр.; серьги с зел. кам., о/в 4,38 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о/в 4,16 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о/в 2,53 гр., 585 пр. | 9 653 235,40 |
| 12. | 5812 | Серьги с кр. кам., о/в 5,65 гр., 585 пр.; кольцо с кр. кам., о/в 3,65 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о/в 2,36 гр., 585 пр.; кольцо, о/в 2,80 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о/в 4,71 гр., 585 пр. | 8 387 517,59 |
| 13. | 5876 | Серьги бел. и сирен. кам., о/в 3,94 гр., 585 пр.; кольцо бел. и сирен. кам., о/в 2,18 гр., 585 пр. | 3 378 202,06 |
| 14. | 5929 | Серьги, о/в 3,84 гр., 585 пр.; серьги, о/в 3,94 гр., 585 пр.; булавка пр. глазк., о/в 1,26 гр., 585 пр.; кулон глазк., о/в 0,53 гр., 585 пр. | 5 404 354,12 |
| 15. | 6032 | Серьга 1 шт., о/в 1,10 гр., 585 пр. | 663 934,02 |
| 16. | 6047 | Кольцо с роз. кам., о/в 3,21 гр., 585 пр. | 1 572 934,02 |
| 17. | 6088 | Серьги голуб. кам., о/в 3,78 гр., 585 пр. | 2 051 368,04 |
| 18. | 6151 | Серьги бел. и зел. кам., о/в 5,53 гр., 585 пр. | 2 745 823,84 |
| 19. | 6168 | Цепь, о/в 2,60 гр., 585 пр.; серьги, о/в 2,91 гр., 585 пр. | 2 931 984,06 |
| 20. | 5590 | Серьги с жемч. о/в 3,91 гр., 585 пр. | 1 451 508,84 |
| 21. | 5716 | Кольцо с роз. кам., о/в 5,55 гр., 500 пр.; кольцо с бел. кам., о/в 2,42 гр., 585 пр.; кольцо с бел. и зел. кам. погн., о/в 2,36 гр., 585 пр. | 4 201 347,01 |
| 22. | 6530 | Серьги с бел. кам., о/в 2,27 гр., 585 пр.; серьги, о/в 1,78 гр., 585 пр. | 2 250 736,06 |
| 23. | 6555 | Кольцо с бел. кам., о/в 1,16 гр., 585 пр. | 648 784,02 |
| 24. | 6692 | Кольцо, о/в 1,87 гр., 585 пр.; браслет, о/в 1,14 гр., 585 пр. | 1 748 368,04 |
| 25. | 6700 | Колье пр., о/в 13,80 гр., 750 пр.; серьги, о/в 5,99 гр.,; 750 пр.; цепь, о/в 6,78 гр., 585 пр.; кольцо, о/в 2,12 гр., 750 пр. | 20 303 170,10 |
| 26. | 6753 | Перстень с бел. кам. погн., о/в 4,56 гр., 585 пр. | 2 633 434,02 |
| 27. | 6865 | Цепь, 6,79 гр., 585 пр. о/в; кулон, о/в 1,73 гр., 585 пр. | 5 051 068,04 |
| 28. | 6877 | Кольцо с крас. кам., о/в 4,19 гр., 585 пр.; кольцо с крас. кам., о/в 6,20 гр., 585 пр. | 4 626 868,04 |
| 29. | 6934 | Цепь порв., один зв. слом., о/в 5,94 гр., 585 пр.; кольцо, о/в 1,44 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о/в 3,89 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о/в 3,19 гр., 585 пр. | 7 916 836,06 |
| 30. | 5779 | Серьги с бел. кам., о/в 3,80 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам. и глазком., о/в 2,61 гр.,585 пр.; кольцо обр., о/в 2,87 гр., 585 пр. | 4 977 736,06 |
| 31. | 6057 | Кольцо обр., о/в 2,49 гр., 585 пр. | 1 421 434,02 |
| 32. | 6319 | Цепь, о/в 9,64 гр., 585 пр.; цепь, о/в 5,91 гр., 585 пр. | 7 832 815,45 |
| 33. | 6435 | Цепь, о/в 6,15 гр., 585 пр.; серьги с бирюз. кам., о/в 4,30 гр., 585 пр.; кольцо, о/в 3,33 гр., 585 пр. | 6 646 437,86 |
| 34. | 6550 | Браслет фрагм. нет, о/в 8,20 гр., 585 пр. | 4 577 239,62 |
| 35. | 6669 | Часы JWS с зол. брасл. и брил. 1,00-62 шт., не раб, фраг. выпал., о/в 52,00 гр., 585 пр. | 19 085 978,50 |
| 36. | 6672 | Часы “Майк Тайм” с кож. рем. не раб., о/в 28,67 гр., 585 пр.; Кольцо бел. кам. двух кам. нет погн., о/в 4,36 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о/в 1,92 гр., 585 пр.; браслет с нитк., о/в 12,20 гр., 585 пр.; кольцо погн., о/в 5,36 гр., 916 пр.; кольцо, о/в 3,75 гр., 585 пр.; серьги с бел. кам. уш. шат., о/в 3,48 гр., 585 пр.; браслет с деф. шамп., 585 пр.,; кольцо с бел. кам., о/в 3,31 гр., 585 пр.; серьги с бел. кам., о/в 3,45 гр., 585 пр. | 23 611 808,04 |
| 37. | 6811 | Браслет, о/в 15,70 гр., 585 пр.; браслет о/в 15,16 гр.,, 585 пр. | 13 886 649,04 |
| 38. | 6972 | Кольцо с бел. кам. одного кам. нет, о/в 2,95 гр., 585 пр. | 1 023 978,82 |
| 39. | 7240 | Цепь погн., о/в 6,06 гр., 585 пр.; серьги с кр. кам., о/в 6,08 гр., 585 пр. | 5 862 802,06 |
| 40. | 7406 | Цепь, о/в 9,07 гр., 585 пр.; браслет, о/в 6,50 гр., 585 пр.; серьги, о/в 5,34 гр., 585 пр.; цепь, о/в 4,34 гр., 585 пр.; кольцо с син. кам., о/в 3,98 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о/в 2,88 гр., 585 пр.; кулон, бел. кам. одного кам. нет, о/в 3,52 гр., 585 пр. | 19 162 971,96 |
| 41. | 7654 | Серьги с бел. кам., о/в 2,91 гр., 585 пр.; кольцо бел. кам. слом., о/в 1,60 гр., 585 пр. | 1 923 802,06 |
| | **Жами бошланғич баҳоси** | | **234 391 850,63** |

Аукцион савдолар **2024 йил 25 июнь** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2024 йил 21 июнь куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2024 йил 25 июнь** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2024 йил 9, 23 июль кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати бир иш куни аввал соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 0005 7145 2008 ХАТБ “Давр-банк” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13 “А”-уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.
**Расмий веб сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№42 (795) 2024 йил 24 май

# МАДАНИЯТ ОПАНИНГ “МАДАНИЯТЛИ ҲУДУД”И



Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.



**Бахт ҳақида ҳар кимнинг ўз талқини бор. Баъзан уни гапира туриб, омадни ҳам тилга олиб қўямиз. Аслида, бахтнинг ҳам, омаднинг ҳам биргина эгаси бор – меҳнат. Бугунги қаҳрамонимиз ҳам ҳаётнинг кутилмаган синовлари, жабру ситамлари олдида ўзини йўқотиб қўймаган, Румий айтганидек, “Дардим дармонимдир”, дейдиган инсонлар сирасига киради. Курашмайди эмас, курашади! Аммо нодон инсонлар билан ёқа-енг йиртиб ўтирмайди, асл баҳони Яратган беришига ишониб, ишида, вазифасида давом этади.**

Мақоламиз қаҳрамони – пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч мавзесидаги “Маданиятли ҳудуд” БСК раҳбари.

Маданият Рўзимова 1976 йил Хоразм вилоятининг Қўшкўпир туманида таваллуд топган. Исми ҳам бежизга Маданият эмас. Тарихчилар оиласида дунёга келгани боис, шундай муҳташам исмни беришган. Борган ерида маданиятимизни ёйсин, инсоний фазилатлари билан қолганларга ўрнак бўлсин, деб шу исмни беришгандир эҳтимол. Мактабда ўқиган кезлари юрист бўлиш хаёли билан юрган қаҳрамонимиз кейинчалик бошқа йўналишдан кетди. Ўзбекистон миллий университетининг Менежмент факультетига ўқишга киради. Олийгоҳни яхши баҳоларга битириб, Хоразмга қайтиб кетади.

– Қиз бола палаҳмон тоши, тақдири қаерга чорласа, ўша ерда қўним топади, – деди Маданият Рўзимова суҳбат чоғида.

Оила қургач, бир неча йил мактабда дарс берди. Аммо оилавий келишувлардан сўнг 2005 йилда яна Тошкентга келди. Дастлабки йиллар анча машаққатли, қийинчиликларга бой ўтди.

– Ўша пайтлар нима иш бўлса, қилаверардим, – дея эслайди қаҳрамонимиз. – Кечаси билан идиш ювган пайтларим бўлган. Ўзимни ўққа-чўққа уриб юрганимни кўрган бошқарув ширкати вакили кўп қаватли уйлар атрофини тозалашни таклиф қилди. Кечаси ишлашим мумкинлигини айтгач, озроқ ўйланиб қолдим. Аслида, тортинчоқроқ бўлганим учун бу ишни қилишга юрагим ботинмай турди. Аммо “Ҳалол меҳнатнинг айби йўқ-ку”, деб ишни бошладим. Аввалига одамларнинг қадам товушидан ҳам чўчирдим. Хаёлимда бирон таниш кўриб қолса, деган истиҳола кечаверади. Кейинчалик ўрганиб кетдим.

Шу билан ширкат фаолиятига кириб бордим. 2013 йилда ширкатдагилар “Ўқимишли инсоннинг иши бошқача бўлади, ўзингиз ҳам эпчилсиз, биз билан ишланг” деб бухгалтерликка таклиф қилишди. Таваккал қилиб, боғчадаги ишимдан бўшадим ва бухгалтер бўлиб ишлай бошладим. Бир йилдан сўнг ширкат раиси вафот этгач, ходимлар кенгашиб, раисликка муносиб кўришди. Ўтган вақт давомида соҳанинг йўл-йўриғини яхши ўзлаштирганим учун уддалай олишимга ишонардим. У пайтда жамоамизда 8 нафар ходим бор эди. Халқнинг муаммосини ечиш учун бор кучимиз билан ҳаракат қилдик.

2018 йилга келиб, кўп қаватли уйларимиз сони 24 тага етди. Кўп ўтмай ширкатлар БСКлар таркибига қўшилиб кетиши ҳақида айтила бошлади. Яқинларим масъулияти чекланган жамият очишимни қўллаб-қувватлашди, қолаверса, қадрдон жамоамдан айрилиш менга ҳам осон эмасди. Битта маҳаллада 16 та, яна бирида 8 та кўп қаватли уй бор эди. Бу орада 8 та уй ўрнига Шаҳрободдаги 36 та кўп қаватли уйни бошқаришни таклиф қилишди. Шу тариқа, 2020 йилда бошқарув сервис компаниясини очишга муваффақ бўлдик. Аммо бу ҳали етарли эмас эди.

2021 йилда ҳокимиятдаги йиғилишда таркибида уйлари кам бошқарув сервис компаниялари ёпилиши масаласи кўтарилди. Туманнинг Ҳабиб Абдуллаев номидаги маҳаллада анча йилдан буён бошқарув ширкатлари бўлса-да, уйларнинг аҳволи яхши эмаслигини ҳоким танқид қилди. Юраги урганга шу маҳалладаги 36 та уйни бошқариш вазифаси қўйилди. Ҳамма жим... Шунда ҳоким:

– Маданият опа, шу масъулиятни сизга топшираман, “одам” қилиб берасиз, – деб қолди.

Шу билан анча йиллик муаммоларга кўмилиб кетган, “ёзувчи” маҳаллани олишимга тўғри келди. 2022 йилнинг баҳорида бизга қўшилган бўлса, ишонч билдиргунга қадар аҳоли бир ярим йил устимиздан шикоят қилиб келишди. Ҳозир ҳаммаси яхши, ҳеч ким ёмон натижа учун ишламайди, баъзи нарсалар учун озроқ сабр қилиш керак, холос. Баъзи инсонлар ҳатто эшигимиз тагига чиқиндисини ҳам ташлаб кетишади. Одамлар ҳали ҳамон БСК ва “Махсустранс” вазифаларини фарқлай олишмайди. Бир куни булар ҳам тушуниб қолар, деб ишлашда давом этамиз.

Дарҳақиқат, Маданият Рўзимованинг вазифалари кўп, елкасига олган масъулияти эса оз эмас. Айни дамда 60 га яқин кўп қаватли уйга хизмат кўрсатаётган “Маданиятли ҳудуд” бошқарув сервис компанияси ўз олдига ҳамиша улкан марраларни қўйиб келади. Байрамларда тадбирлар ташкил қилиниб, ош, сумалак пиширилади. Аҳолини жипслаштириш, кайфиятини кўтаришга интилишади. Бу каби оқилона ташаббуслар бор экан, халқимиз ҳаёти фаровонлашиб бораверади. “Маданиятли ҳудуд”нинг чин маънода маданиятли ҳудуд бўлиши учун қаҳрамонимиз айтганидек, вақт талаб этилади. Бу йўлда аҳоли ҳам керакли пайтда дастак бўлиши, тўлов маданиятига амал қилиши лозим. Бу эса, ўз навбатида уйларимиз тоза ва озода бўлишига, аҳолининг чиройли ҳаёт кечиришига замин ҳозирлайди.

### КОММУНАЛ СОҲАНИНГ КЎРИНМАС МАШАҚҚАТЛАРИ

Бу соҳада энг кўп керак бўладигани – асаб. Кимдир вазиятни тушунмасдан жанжал кўтариши, вазифангизга кирмайдиган ишларни талаб қилиши, сизнинг ҳам оилангиз, иссиқ жонингиз борлигини унутиши деярли оддий ҳол. Шу сабаб, бу соҳа энг коммуникатив, қийинчиликка тўла бўлиши билан ажралиб туради. Коммунал соҳа вакилларини шифокорга ўхшатиш мумкин. Улар ҳам сиз ва биз яшайдиган уйларнинг қон томирларини назорат қилиб боришади, зарурат бўлса, тузатиб қўйишади. Айрим ҳолларда кўп қаватли уйларни супурувчи ходимларга қўпол муомалада бўлишларини кўриб, кўнгил хира тортади. Айниқса ўтган йилги аномал совуқ давридаги ҳолат ҳаммамизга дарс бўлиши лозим. Зеро уйимиздаги чироғимиз, иситиш тизимларимиз ишдан чиққанда биринчи бўлиб уларнинг ҳузурига чопдик. Аномал совуқдаги “Маданиятли ҳудуд” қилган хизматларга ҳам тўхталиб ўтишни жоиз деб билдик.

– У кунларни эслаш оғир, – деди Маданият Рўзимова. – Кечаси 3 да ҳокимиятдан қўнғироқ қилиб, фалон уйнинг томидан сув кетаётганини айтишди. Зудлик билан ишчиларни уйғотиб, манзилга етиб бордик. Хабар қилинган жойга боргач, кўрдикки, вазият ростан ҳам жиддий. Йигитлар томнинг устидаги қорни эрталабгача кураб чиқишди. Олов ёқиб, қорни эритдик, томни ҳам ёпиб бердик. Ишчиларимизни кўриб раҳмим келиб кетди, музлаб қолишди, иссиқ чойлар тутдик. 40 кун давомида қаттиқ тартибда ишладик. Вазиятдан эсон-омон ўтиб олдик. Чеккан заҳматлари ва фидойилиги учун ходимларимизни яхши кўрамиз. Имконим бўлди дегунча уларни рағбатлантиришга интиламан.

Опа билан суҳбатимиз давомида яна бир нарса бизни қаттиқ таъсирлантирди. Жорий йил Президент ташрифи пайтида айнан “Маданиятли ҳудуд” локациялар ичида борлиги, иш масъулияти юзасидан кетолмаган бўлса-да, ўша вақт отасининг жонлантириш бўлимида бўлгани кишига таъсир қилади. Бундан хабардор бўлган масжид имоми жамоатдан дуо олиб берганини йиғлаб гапирди. Кейинроқ шифохонага етиб борган Маданият опа отасининг аҳволи яхшиланганини айтиб берганида, тўғриси ҳайратга тушдик. Шунда амин бўлдикки, халқнинг хизматини чин дилдан қилган инсоннинг йўли очиқ, дўстлари кўп бўлади. Ходимларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларни яхши кўриш ва қадрлаш эса асл маданиятли, зиёли инсонга ярашадиган иш.

Маданият Рўзимова ишда фидойи, оилада эса меҳрибон. Ҳатто эркаклар бўйнига ололмайдиган касб машаққатларига “лаббай” деб жавоб беради. Мақоламизни ҳамиша оилавий бахтни устун кўрувчи суҳбатдошимизнинг қуйидаги сўзлари билан якунлашни истадик:

– Яшаган умрим ва тажрибам давомида соғлиқдан афзали йўқлигига амин бўлдим. Баъзан яқинларим “Ўзингизни қийнаманг, халқни юз фоиз рози қилолмайсиз,” дейишади. Биламан, ҳеч бўлмаса 80 фоиз аҳоли рози бўлиши учун тинмай ҳаракат қиламан. “Маданиятли ҳудуд” аҳолиси зиёли, ўқимишли, бахтиёр одамлар бўлиши учун интиламан. Компаниямиз номланиши ҳам ўзгача бир тарих. Нафақат исмим, балки компаниямиз Маданият ва санъат институти яқинида жойлашгани учун ҳам шундай номлаганмиз. Бошқа аёллар сингари ўзимга кўп вақт ажратишга, чиройли кийимлар кийиш ва зеб-зийнат йиғишга қизиқмайман. Оддий инсонман. Инсонларни тушунишга, дардини эшитишга интиламан. Кўплар ғазаб билан келиб, табассум билан қайтишади. Касбимни, мени қўллаб-қувватлаган оиламни, халқимизни жуда яхши кўраман. Жамоам мени ҳамиша қўллаб-қувватлаб турса, ҳали кўп марраларга эришамиз...

# Жамоат транспортидан унумли фойдаланяпмизми?

Муроджон МАҲМУДОВ,
ЎзДЖТУ, халқаро журналистика факультети талабаси.

**Транспорт – шаҳар ҳаётининг асосидир. Ҳозирги кунда юртимизда аҳоли ҳамда мансабдор шахсларга ҳам жамоат транспортидан фойдаланишлари учун кўп имтиёзлар берилмоқда.**



Сабаб нима дейсизми? !

Хавфсизлик, тирбандликнинг камайиши ҳамда ҳаво ифлосланишининг олдини олиш. Ҳавонинг сезиларли даражада ифлосланиши туфайли юрак ва қон томир касалликлари ҳам ортиб боради. Айниқса, пойтахтимизда аҳоли сонининг доимий равишда ортиб бориши туфайли йўлларда юқори баллик тирбандликлар тез-тез учрамоқда. Бунинг олдини олиш учун ҳам бизга жамоат транспорти керак бўлади. Муҳими, улар ишончли, манзилга тез ва қулай етиб бориши билан аҳамиятлидир. Фақат, аҳолида бу талабни ошириш учун бир қанча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим.

Биринчидан, автобекатларда автобусларнинг келиб-кетиш вақтларини, ҳаракат жадвалини олдиндан кўра олиш учун махсус электрон қурилмалар мавжудлиги ҳамда уларда овозлаштириш тизимининг ўрнатилиши. Чунки бу жараён кўзи ожиз ёки ёши катта инсонларга ҳам қулай ва манфаатли бўлмоғи лозим. Шу билан бирга, ушбу қурилмани бир неча тилларда яратиш ҳам яхши самара беради. Бу нафақат юртимиз аҳолиси, балки чет эллик сайёҳлар учун ҳам қулай бўлади.

Иккинчидан, бевосита туризм билан боғлиқ. Масалан, Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент каби шаҳарлар кўчаларида туристларга тез-тез кўзимиз тушади. Уларни манзилларига етказиш, саёҳатларини самарали ташкил этиш учун (турфирмалардан ташқари) махсус автобуслар қўйилиши нафақат қулайлик яратиши, балки, келгусида туризмни ривожлантиришга ҳам ҳисса қўшиши аниқ.

Бугун жамоат транспортидан фойдаланиш дунё миқёсида ривожланаётганини кўриш мумкин. Статистик маълумотларга қараганда, дунё аҳолисининг катта қисми асосан жамоат транспортидан фойдаланар экан. Жумладан, Гонгконг ушбу рейтингда юқори ўринда туради. Аҳолисининг 80 фоизи жамоат транспортини маъқул кўради. Кения аҳолисининг 63 фоизи жамоат транспортидан фойдаланади. Ҳаттоки, бу мамлакатда шахсий транспортга эгалик қилиш юқори нархда баҳоланади, ёқилғи ҳам қиммат. Россияликларнинг тахминан 57 фоизи жамоат транспортидан фойдаланади. Арзон, кенг ҳамда ҳаракат тезлиги ҳам бироз юқори. Венесуэлланинг ҳам 57 фоиз аҳолиси шахсий транспорт воситаларидан кўра жамоат транспортини афзал кўришади. Бу мамлакатда ишсизлик даражаси юқори бўлгани туфайли аҳолининг аксарият қисми манзилларига автобусларда қатнашади.

Кузатишларимиз натижасида жамоат транспортидан фойдаланишнинг бир қанча афзалликларига гувоҳ бўлдик. Хусусан, енгил автомобилларга нисбатан кўп сонли одам ташиш имконияти мавжудлиги. Бунда бир йўловчи учун ишлаб чиқариладиган ис гази миқдори камайиб боради. Бу атроф-муҳит учун ҳам фойдалидир. Тежамкорлик, яъни ўз автомашинангиз техник харажатлари ҳам, бу ҳақдаги ташвишингиз ҳам камаяди. Нарх нуқтаи назаридан эса албатта, енгил автомобилларга нисбатан арзон. Ҳар томонлама қулайлиги, ҳаво ҳароратига қараб иситиш ва совутиш тизимларини ёқиш мумкин. Шунингдек, ижтимоий алоқа ва дунёқарашнинг ривожланишини ҳам яна бир афзаллик сифатида санаб ўтиш мумкин.

Қувонарлиси, юртимизда ҳам бу борада сезиларли қадам аллақачон ташланди, дейиш мумкин. Сўнгги йилларда жамоат таранспорти, хусусан, автобусларда йўловчилар учун яратилган қулайликлар баъзи енгил автомобилларда ҳаттоки мавжуд эмас. Қолаверса, Ҳукумат топшириғига биноан, 2024 йил март ойидан бошлаб ҳар ойнинг тўртинчи чоршанба куни (агар байрам кунига тўғри келса, пайшанба куни) Тошкент шаҳрида автомобиллар ҳаракатланишини (жамоат транспортлари, махсус ва шошилинч ёрдам хизматларидан ташқари) қисқартиришга қаратилган “Автомобилсиз кун” деб эълон қилинди. “Автомобилсиз кун” жамоатчилик лойиҳасида вазирлик ва идоралар, ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбар ва масъул ходимлари иш жойига жамоат транспортида келиб, намуна кўрсатиб бориши белгиланди.

Муҳими, лойиҳа юртдошларимиз томонидан ижобий кутиб олинди.

Шундай қилиб, жамоат транспортидан фойдаланишни ҳар биримиз ўзимизга одат қилиб олсак, яхши бўларди. Жуда зарур бўлмаса, шахсий автомобилдан фойдаланмаслик нафақат ўзимиз, балки ён-атрофимиз ва жамиятимиз учун ҳам манфаатли бўлиши аниқ.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 94-916-99-77.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-541.
1710 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**
Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – А. Ҳақбердиев.

ЎзА якуни – 22.12.
Топширилди – 22.45.

1 2 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони 2024 йил 31 май куни чиқади.